



## ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ БИОКИМЁ ФАНИНИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ

*Муртазаева Насиба Комилжоновна*

*Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси*

*Калит сўзлар: Давлат таълим стандартлари (ДТС) ўқитиш технологиялари, билим, кўникма ва малака.*

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак шифокорларни тиббий амалиётга тайёрлаш методикасини инновацион ёндашувлар асосида талабаларнинг Тиббий биокимё фанига доир назарий, лаборатория, семинар ва мустақил таълим материалларни ўзлаштириш фаоллиги ва кўрсаткичларини оширишдан иборат.

Тиббий биокимё фани ўқитиш методикаси таълими йўналиши талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни ташкил этиш ва амалга оширишнинг мазмуни Давлат таълим стандарти (ДТС)да, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда тавсияномаларда ўз ифодасини топган.

Давлат таълим стандартлари таълимнинг зарур ва етарли даражаси ҳамда ўқув юктамалари ҳажмига қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради. Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни Давлат таълим стандарти белгилаб беради. Шунингдек, Давлат таълим стандарти – назорат воситаси сифатида таълим муассасасининг тайёрлов йўналишлари шароитларини белгилаб берувчи мезон бўлиб хизмат қилади. Давлат таълим стандартининг жорий этилиши натижасида давлат тиббиётчи



сифатида таълим муассасалари олдига вазифа қўяди. Тиббиёт олий таълим муассасаси эса ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қандай билим, кўникма ва малакаларни бериши лозимлигини ва уни қандай амалга ошириш чора-тадбирларини босқичма-босқич белгилаб олади. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, тиббиёт олий таълим тизимида ўқитувчиларни тайёрлашда таълим мазмунини ифодаловчи Давлат таълим стандарти қуйидагиларни белгилаб берган:

1. Касбий педагогик тайёргарлик ва уни амалга оширишга хизмат қилувчи шароитларга нисбатан қўйиладиган умумий талаблар.

2. Талабанинг ўқув мажбуриятлари ва уларнинг ҳажми.

3. Касбий педагогик тайёргарлик мазмунини аниқлашда таълим муассасасининг академик эркинлиги.

4. Олий касбий педагогик тайёргарлик йўналишлари (мутахассисликлар) рўйхатига қўйиладиган умумий талаблар.

5. Битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси ҳамда мазмунига нисбатан минимум талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

6. Давлат таълим стандарти талабларига амал қилиниши юзасидан давлат назоратини олиб бориш қоидалари.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, “Ҳозирги пайтда қайси замонавий соҳа ёки тармоқни олмайлик буларнинг барчаси тараққиёти негизида авваламбор телекоммуникация ва ахборот технологиялари турганини энг илғор давлатлар ва умуман, дунё тажрибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас” деб таъкидлаган [8, - б. 280].

Ўқитишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг зарурий шarti қуйидагилар: биринчидан, ахборот ҳажмининг кўплиги,



кенглиги ва тезда янгиланиб бораётганлиги; иккинчидан, техник тараққийнинг тезлиги, замонавий асбоб ва анжомлар тез тараққий қилаётганлиги; учинчидан, ўқитишнинг турли техник воситалари тараққий қилиб бормоқда; тўртинчидан, ташқи таъсирлар, талабалар учун бундан қизиқ телефон, интернет, ижтимоий сайтлар ва ҳ.к.лар мавжуд. Бундай таъсирлар бугунги кун дарсларини замон талаби даражасида ўтишни талаб қилади.

Бугунги кунда қўлланилаётган таълим технологиялари шахсга йўналтирилган. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра, шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Ҳозирги замонда ёш авлоднинг компьютер техникасига қизиқиши тиббий биокимё фани бўйича анимация ва мультимедиа яратишга туртки бўлди. Бунда талабалар томонидан ўзлаштириши лозим бўлган фан бўйича осон ва тез кўникма ва малакаларга эга бўлишига олиб келади. Бу ҳолат ўқитувчи ишини осонлаштирган бўлади, шу билан бирга талаба учун керакли тажрибаларни компьютер ёрдамида ўзи бажариб, мавзуни ўзлаштириш имконини беради [4; 94-б.].

Хулоса қилганда, давлат таълим стандарти тиббиёт олий таълим муассасасида ўқитишнинг интерфаол методлари таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўлишлари, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўлишлари, дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келишлиги, талабалар билимларини назорат қилишда ахборот технологиялардан фойдаланиш яхши самара бериш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



### Фойдаланилган адабиётдар рўйхати.

1. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida crocodile ict dasturi asosidagi virtual laboratoriyalarda o'qitish metodikasi // "Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari" ilmiy-nazariy jurnal. ISSN:2181-9580, – Toshkent, 2021. (13.00.00 №32)

2. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida biokimyo fanini o'rgatishda virtual laboratoriya ishlaridan foydalanish ta'lim sifatini oshirish omili sifatida // NamDU ilmiy axborotnomasi. ISSN 2181-1458, – Namangan, 2023. -№4 -B 809-814. (13.00.00 №30)

3. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratory - information in education a specific factor of the communication system in the form // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN:2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5, 2022. p. 92–95.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/614>

4. Mamadaliyeva Z.R. Methodology for determining the level of bilirubin in the blood in a biochemical analyzer in a Virtual laboratory method // International conference on advance research in humanities, sciences and education. England. 2023. Vol.1, №1. p.20- <https://confrencea.org/index.php/confrenceas/article/view/371>

5. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida localhost dasturi asosida biokimyo fanini virtual laboratoriyalardan foydalanib o'qitish // The role of exact sciences the era of modern development. Nukus. Vol.1 №.1, 2023. p. 47-51.

<https://uzresearchers.com/index.php/RESMD/article/view/765/703>

6. Мамадалиева З.Р. Виртуал лаборатория ишларидан ўқув сифатини ошириш элементи сифатида фойдаланиш. // "Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar, nazariy va amaliy strategiyalar tadqiqi" respublika ko'p tarmoqli, ilmiy konferensiya. Andijan. №9, 2023. -Б. 108-111. <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/issue/view/28/45>



7. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratoriya usilida qonda xolesterin miqdorini biokimyoviy analizatorida aniqlash // “Biologik kimyo fanining zamonaviy tibbiyotdagi o’rni-kecha, bugun va erta” respublika ilmiy-amaliy konferentsiya to’plami. Buxoro, 2022. -b. 113-114.

8. Mamadaliyeva Z.R. Improving the quality of learning through virtual laboratory work use as element // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN: 2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5 2022. p. 84-86.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/612>

9. Мамадалиева З.Р. Тиббиёт олий таълим ташкилотларида биокимё фанини виртуал лабораториялардан фойдаланиб булутли технологияларнинг тарқатиш моделлари методикаси // "Science and Education" scientific journal. ISSN 2181-0842, Toshkent. SJIF(2023):3,848. vol.4 2023. -б. 1227-1233.

<https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5196>

10. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratory - information in education a specific factor of the communication system in the form // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN:2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5, 2022. p. 92–95.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/614>